O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Посбон

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 131 — 132 (3208—3209) 1998 йил 30 октябрь, жума Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда.

Бундай хунук одатларга берилган давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари маҳаллаларда, истиқомат жойларида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлмоқда, оддий одамларнинг нафсониятларига тегмоқда, уларнинг адолатга, умуман давлат ҳокимиятига ишончига зиён етказмоқда.

Ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ҳам ўтакетган дабдабали равишда ўтказишлар ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларимизга путур етказиш, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришга олиб келмоқда.

Мазкур интилишларнинг носоғлом мусобақага айланиб кетиш ҳоллари дабдабали тўй-ҳашамларни ўтказишга қурби етмаган ор-номусли кишиларни оғир аҳволга туширмоқда.

Энг ачинарли томони шуки, бундай сохта хўжакўрсинлик одатлари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Улар бу каби номақбул анъаналар ва одатларга айланиб бораётган ҳолатларга чек қўйиш ҳақидаги талабларини билдирмоқдалар. Ўзларининг эҳтиёжларидан ортиқ маблағларини халқимизнинг азалий одатларига амал қилиб, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, турар жойларини обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш, ишлаб чиқаришга сарф қилиш — шундай олижаноб саъй-ҳаракатлар орқали эл-юрт олдида ўзларига ҳақиқий обрў орттириш юзасидан таклифлар ва маслаҳатлар бермоқдалар.

Юқоридагиларни назарда тутиб:

1. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига:

а) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда халқимиз табиатига ёт бундай хунук ҳолатларга зарба бериш, олдини олиш, чек қўйиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тавсия этилсин;

б) муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисоллар асосида кенг халқ оммасига мунтазам етказиш қатъий йўлга қўйилсин;

в) жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда замон талабларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий анъаналарни ташкил қилиш ва жорий этиш топширилсин.

2. Оммавий ахборот воситалари мазкур Фармонда кўтарилган масалаларнинг асл моҳиятини, намунавий анъаналарни кенг тарғиб қилсин, миллий қадриятларимизга зид, тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган иллатларга қарши жамоатчилик фикрини шакллантиришга алоҳида эътибор берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси давлат ташкилотлари, маъмурий-ҳуқуқий идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари, мансабдор шахслар томонидан юқорида кўрсатилган номаъқулчиликларга йўл қўйилган ҳолатларни амалдаги қонунчилик асосида чуқур ўрганиб, тегишли хулосалар чиқарсин ва зарур чоралар кўрсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 28 октябрь.

*Халқаро алоқалар*

## УЗОҚ МУДДАТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Шу кунларда сафида ICITAP (жиноий тергов бўйича ўқитув ва кўмаклашув Халқаро дастури) координаторлари С. Харгроув ва Д. Мекллджонлар бўлган АҚШ Адлия вазирлиги делегацияси расмий ташриф билан Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди.

Ташрифдан кутилган мақсад Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда давлатимиз ички ишлар идораларига ходимлар тайёрлаш юзасидан узоқ муддатли дастур ишлаб чиқишдир.

Делегацияни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг муовини, ички хизмат полковниги Ш. Мавлянов қабул қилди. Суҳбат чоғида республика Ички ишлар вазирлигининг айрим бошқармалари ва бўлимларининг раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистондаги АҚШ элчисининг хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Д. Брей иш тирок этишди. Томонлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари учун кадрлар тайёрлаш борасидаги ўзбек-америка ҳамкорлигининг ҳозирги аҳволини муҳокама қилдилар. Хусусан, ушбу йўналишда катта тажриба тўплангани, ушбу ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш, уни янги мазмун билан бойитиш учун етарли асос яратилгани таъкидланди. Суҳбат давомида америкалик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ишлаш учун етарли шароит яратилганига юқори баҳо беришди ва ICITAP дастури доирасида бу ерда америкалик мутахассислар томонидан Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги қатор давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш вакиллари учун фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича саккиз марта семинар ўтказилгани айтиб ўтилди.

Айни пайтда америкаликлар ИИВ Академиясига кўмаклашиш мақсадида 4-6 ойга мўлжалланган янги дастур таклиф этишди. Ҳозирда ICITAP координаторлари Академиядаги амалда фаолият кўрсатаётган ташкилий тизим, ўқитувчилар тайёрланиши, ўқув режаларини ишлаб чиқиш жараёни ва бошқарув усулларини ўрганишаяпти. Шу асосда америкалик мутахассислар Академия факультетларида ўқитувчилар малакасини ошириш, уларни замонавий ўқув режалари тузиш, замонавий тестлаштириш техникасидан фойдаланиш ва тингловчилар билимини баҳолашга ўргатиш мақсадида семинарлар ва амалий машғулотлар ўтказишади. Янги дастурда, шунингдек, Академия раҳбарларининг Америка полиция ўқув юртларидаги турли бошқарув усулларини ўрганиш, ўқув жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида АҚШ Федерал Тергов Бюроси Миллий Академияси, федерал ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўқув маркази, Америкадаги йирик шаҳарлардан биридаги полициячилар академиясини бориб кўриш мўлжалланмоқда.

Меҳмонлар республика Ички ишлар вазирлиги олий ўқув юртларида бўлиб, ўқув жараёнининг ўзига хос жиҳатлари, ИИВ турли йўналишларида фаолият кўрсатувчи кадрлар тайёрлашнинг ташкиллаштирилиши билан танишишди ва Марказий Осиёда намунали деб баҳоладилар. Ташриф давомида томонлар ҳамкорликнинг янги дастурини ҳаётга жорий қилишга мўлжалланган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

*Бош муҳаррир минбари*

## ЮРТИМИЗНИНГ УЛУҒ АЖДОДЛАРИ

Ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ҳамда қомусчи олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги тантаналарида иштирок этган хорижлик меҳмонлардан бирининг Ўзбекистон телевидениеси журналистига берган интервьюсини эшитиб қолдим. Мисрлик олим шундай деди:

— Мен илгари Ўзбекистон ҳақида матбуот орқалигина ўқиб билардим. Эндиликда мамлакатингизда йилдан-йилга қанчалик ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари қилинаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканлигига ишонаман ва бу юртда келгусида ўз Ватани довруғини ер юзига ёйган улуғ инсонлар — Муҳаммад ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, Имом-ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Амир Темур, Абу Райҳон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби ўзбек ўғлонлари етишиб чиқади.

Ишончим комилки, хорижий давлат вакилининг бу сўзлари юртдошларимизда ўз Ватанига нисбатан фахр туйғуларини уйғотади. Ҳа, бизда фахрланса арзигулик нарсалар кўп. Бу — демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида дадил бораётган серқуёш Ўзбекистоннинг бугунги кунидир. Бу — илдизи чуқур томир отган бизнинг тарихимиздир. Бу — жаҳон тараққиёти хазинасини муносиб дурдоналар билан бойитган ўзбек заминининг улуғ фарзандларидир.

Тоталитар йилларда буюк аждодларимиз, улар амалга оширган ишлар ва қолдирган бебаҳо мерос ҳақида кўп нарсаларни билармидик? Бу саволга бериладиган жавоб маълум. Ўша давр мафкурачилари тарихий ҳақиқатни имкони борича айтмаслик, улуғ юртдошларимиз номини тилга олмасликка ҳаракат қилишарди.

Юртимизда қўлга киритилган истиқлол туфайли мамлакатимизда маънавий меросимизни қайта тиклаш, жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшган улуғ аждодларимиз номини халқимизга қайтариш учун муайян ишлар қилина бошланди.

Бугунги кунда республикамизда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра улуғ замондошларимизнинг тўйларига муносиб тайёргарлик кўриш ва нишонлаш анъанага айланиб бормоқда. Бундай тантаналар ЮНЕСКО томонидан ҳам ташкил этилаётганини қувончлидир. Чунки бундай маросимлар жаҳон миқёсида ҳам ўтказилаётганини кўрсатиб турибди.

Бундан бир неча кун олдин нафақат бизнинг юртдошларимиз, балки тинчликсевар инсоният мустақил Ўзбекистонда бўлиб ўтган тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Қадимий ва навқирон Самарқандда Ислом оламининг буюк намоёндаси Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган тантаналар ўтказилди. Бир кун кейин эса Фарғона вилоятида қомусчи олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйи байрам қилинди. Ушбу маросимларда жаҳоннинг 40дан ортиқ давлатидан нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Шу каби тантаналар ўзлигимиз, маънавий меросимиз, ўзбек халқининг дунёдаги ўрнини англашда муҳим омилдир.

Президентимиз Ислом Каримов Аҳмад ал-Фарғоний таваллуд тўйи нишонланаётган пайтда журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, мамлакатимизда маънавият қайта тикланаётганига юқори баҳо бериб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: «Буюк мақсадларга эришиш учун ҳар бир киши маънавий етук бўлмоғи лозим. Ўз тарихий илдизларимиз, хотираси бизга куч-қудрат бахш этувчи аждодларимизни яхши билмай туриб ўзлигимизни англашимиз мушкул. Шу боис, мазкур заминда яшаган улуғ инсонлар номини тиклаш катта аҳамият касб этади».

Шуни айтиш зарурки, буюк аждодларимиз таваллуд топган кунларни байрам қилиш мақсадида ўтказилаётган барча тадбирлар, шунингдек, маданий ва маънавий меросимизни тиклаш бўйича бир маромда олиб борилаётган ишлар, ота-боболаримиз қолдирган бойликларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримизга куч-қувватимизни сафарбар этиш, давлатимиз тарихини тиклаш имконини беради.

INTERNET XABARI

Ойлаи жаҳон дастурлари

КАСБГА МУҲАББАТ ЧЕКСИЗ БЎЛСА



Мунажжимлар башорат қилади

КРОССВОРД

**«Касб одобномаси»**

13. Ходим эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар жамоасида ва фуқаролар билан бўладиган мулоқотларда нутқи, хатти-ҳаракатлари, хулқи ва феъл-атворини назорат қилиб бориши, фақатгина ўз гапини маъқуллашга уринмай, бошқаларнинг сўзларига ҳам қулоқ солишга одатланиши керак. Фақат ўзи ҳақидагина ўйламай атрофдагиларнинг ҳам кайфиятлари, турмуш шароитларидан огоҳ бўлмоғи лозим. Ўз оиласини мустаҳкамлаш, яқинларига кўмакдош, елкадош бўлиш ички ишлар идоралари ходимининг қадр-қимматини, ҳурмат-эътиборини оширувчи хислатлардир.

*Йўл*

# ИНСОФ СЕНГА, ПИЁДА!

Муроджон деган яқин танишим билан Навоий номли жамоа хўжалигидан «Чорсу» бозорига кетаяпмиз. У автобус чамбарагини бошқариб бораяпти-ю, икки кўзи йўлни дам-бадам кесиб ўтаётган йўловчиларда.

— Биз ҳайдовчилар машинани бошқаришдан кўра кўпроқ йўловчилардан хавотир олиб толиқамиз, — деди танишим йўлдан кўзини узмай. — Манзилга етгунча йўлни кузатиб борсангиз бунга ўзингиз амин бўласиз.

Йўлдаги манзаралар бизга шундай ҳам яхши таниш. Аммо унга ҳайдовчи кўзи билан қараш, унинг ўрнига ўзини қўйиб кўриш мутлақо бошқача маъно кашф этар экан. Чунки йўлнинг исталган жойидан гоҳ ёлғиз, гоҳ гуруҳ-гуруҳ бўлиб кесиб ўтаётган пиёдалардан эҳтиёт бўлиш, бирор кор-ҳол рўй бермаслиги учун хушёр юриш катта масъулият талаб этади.

— Ҳайдовчига нечоғли қийин эканлигини кўраяпсизми? — деди танишим кўнглимдан ўтаётган гапларни уққандек. — Бундай аҳволда, айниқса, автобус бошқариш қийин. Бир томондан бекатларда йўловчилар билан муомала қилиш, бошқа томондан эса пиёдалар... кечга бориб баъзан асабинг дош беролмай қоларкан.

Муроджон ҳақ гапларни айтди. Ҳайдовчининг асаби таранглашади, пиёдалар эса бефарқ, беписанд. Автобусда «Чорсу» бозорига етиб боргунимизча йигирмадан ортиқ йўл қоидаси бузилди. Ҳатто икки-уч йўловчи ҳаракат қисмига яқин жойда бамайлихотир суҳбатлашиб турганда ҳайдовчи улардан хафа бўлганди, «йўлингни топиб кетавермайсанми», дея дўқ уриб, ҳақорат қилишларига оз қолди.

Мавжуд тартиб-қоидага эътибор бермаётган йўловчиларни ким назорат қилади? Кейинги пайтда ер ости йўллари, махсус йўлаклар бўлишига қарамай кўп ҳолларда одамлар кўча ва йўлларнинг исталган жойидан кесиб ўтишаяпти, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этишмаяпти. Натижада...

Тошкент шаҳри Чилонзор туманида йўлни кесиб ўтаётган 60-65 ёшлардаги аёлни машина уриб юборади. У касалхонага олиб кетилаётганда йўлда вафот этади.

Жиззах вилоятидаги «Жиззах-Фориш» йўлининг 50-чақиримида эллик ёшлардаги эркак кишини машина босиб кетади. Жабрланувчи воқеа жойида вафот этади.

Самарқанд шаҳрида соат 21.30 да Панжикент кўчасидаги 4-дўкон олдида Ғаллаорол кўчаси, 16-уйда яшовчи Й. З. ни машина туртиб юборади. У жароҳат олиб, касалхонага ётқизилди.

19 октябрь куни соат 5.00 да Ж. Хўжамирзаев жамоа хўжалиги тракторчиси Б. Бобохонов ўзига бириктирилган «Т-28х4» тракторида йўлни кесиб ўтаётган пиёдалар — қумқўрғонлик М. Маҳмудов ва 25-30 ёшлардаги номаълум эркак кишини уриб юборди. Улар касалхонага етиб бормасдан бу ёруғ оламдан кўз юмдилар.

Бахтсиз ҳодисаларнинг афсуски, аксарияти пиёдалар айби билан келиб чиқмоқда. Улар қайсидир йўсинда тартибга чақирилмас экан, бундай воқеалар қайд этилавериши табиий. Балки жарима жорий этиб, ДАН ходимлари назоратида улар масъулиятини ошириш керакдир. Қандай чора-тадбирлар қўлланилмасин, аввало, пиёдалар инсофга келмаса, йўлларда тартиб-интизомга эришиш амри-маҳол. Буни чуқур ҳис этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимизга айланмоғи керак, деб ўйлайман.

**Саъдулла ШОДИЕВ.**

# ҚАСБГА МУҲАББАТ ЧЕКСИЗ БЎЛСА



Сентябрь ойи эди. Меҳнат таътилида юрган Мухфира турмуш ўртоғи билан «Шифокорлар шаҳарчаси»даги сомсахонага борди.

— Озгина сабр қилсанглар, оғизни куйдирадиганидан ейсизлар, — деди таниш сомсапаз.

Шу пайт орқадан келган иккита рус йигит «Бизга совигани ҳам бўлаверади», — деб бир неча дона сомсани қоғоз халтага солишди. Улардан бири чўнтагидан битта юз сўмлик чиқариб, «Узатиб юборинг!» дея Мухфирага тутқазди.

Мухфира қўлидаги пулни терлаб-пишиб сомса узаётган сомсапазга беришга шошилмади. Қуёшнинг ёруғига солиб кўрдию бирдан хушёр тортди.

— Юринг, Алижон ака! — дея анчагина узоқлашиб қолган бояги йигитларга қараб югурди. Чопиб бораётиб:

— Йигитлар, бир дақиқага тўхтанглар! — дея ҳайқирди.

Улар эса қайрилиб қараб, ўзлари томон шамолдек елиб келаётган Мухфирани кўргач, икки томонга қоча бошлашди.

Мухфиранинг кўнглидаги шубҳа бадтар ловуллади. Охир-оқибат қочаётган шахсни қувиб етди. Кичик жуссали қорачагина қизчанинг ғайритабиий равишдаги омбурдай панжаларига тушган йигит қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини сезиб, тақдирга тан берди.

Орадан кўп ўтмай Мухфиранинг турмуш ўртоғи иккинчи гумондорни ҳам тутиб келтирди.

— Биз Мухфира ва Алижонлар ушлаб келган шахслар билан жиддий шуғулландик, — дейди Собир Раҳимов тумани ИИБ жиноят-қидирув бўлими катта тезкор вакили, милиция майори Моҳир Рихсиев. — Натижада улар қалбаки пул тайёрлаб чиқаришаётганини аниқладик. Савдо дўконларидан улар томонидан ўтказиб юборилган 8 ярим минг сўм сохта пулларни топиб қайтариб олдик. Қаллоблар эса жиноий жавобгарликка тортилди.

Бу Мухфира Ғуломованинг кундалик хизмат фаолиятидан бир шингил, холос.

Дарвоқе, вақти келганда тоғни урса талқон қилгувчи эркаклар ҳам ботинолмайдиган ишни уддалаган Мухфирани танимасангиз керак. У Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ 1-шаҳар милиция бўлимининг жиноят-қидирув бўлинмасида ишлайди. Унвони милиция кичик сержанти.

Тўғри, мен ҳам Мухфира тўғрисида дастлаб бошқача фикрда эдим. Вақти келганда ҳаётини хавф остига қўйишга тўғри келадиган соҳада аёл кишига нима бор, ҳойнаҳой, хизмат хонасида ўтириб, турли ёзув-чизувлар билан шуғулланса керак-да, деган хаёлга боргандим.

Ўзи билан учрашиб, суҳбатлашиш асносида эса бояги тахминларим баҳор осмонидаги булут мисол зумда тарқаб кетди.

— Аслида мен ҳам ўғил бола бўлиб туғилишим керак эдию ойим бир оз янглишган эканлар, — деб ҳазил аралаш кулади Мухфира. — Нима қилай, ёшлигимдан ички ишлар хизматини яхши кўраман. Милиционер формасидаги одамни кўрдим дегунча кўз узолмай қолардим. Роппа-роса тўрт йил штатсиз инспектор сифатида иш ўргандим. 1996 йил январида эса орзуим ушалди.

Беихтиёр ҳайратимни яширолмай дилимдагини тилимга чиқараман.

— Мухфира, бу ёғи — ўзбекчилик. Милицияга ишга кираётганингизда турмуш ўртоғингиз, қайнота-қайнонангиз қаршилик қилишмадими?

— Мутлақо йўқ, десам ишонасизми? Аслида оила қуриб, бахтимни топганман. Турмуш ўртоғим — Алижон акам жуда тушунган одам. Ҳақиқатпараст, ноҳақликни умуман ҳазм қилолмайди. Шу жиҳатдан феъл-атворимизда уйғунлик бор. Қайнота-қайнонамга ҳам шунга қараб баҳо берсангиз янглишмайсиз.

— Барибир аёл кишисиз. Хизмат оғирлик қилмаяптими?

— Бир донишманддан дунёда қандай одам бахтли, деб сўрашганида, эрталаб уйидан ишхонасига, кечқурун ишхонасидан уйига шошилиб борадиган одам, деб жавоб қилган экан. Оиламдан кўнглим тўқ, касбимни эса, лоф уряпти, демангу, ҳаётимнинг мазмуни деб биламан.

Энди бояги саволингизга жавоб — хизматимиз оғирликка оғир. Лекин мен буни олдиндан билганман, ҳисобга олганман. Агар касбингизни чинакам яхши кўрсангиз, қийинчиликлар меҳрингизни сўндиролмайди.

— Барибир жиноят-қидирув соҳаси аёлларнинг иши эмас, деган хулосамдан ҳеч воз кечолмаяпман...

— Нега? Мен ишлаяпман-ку? Қолаверса, жиноят-қидирув соҳасида ишлаётган фақат мен эмас. Мулоҳазангизда жон бор, кўпинча хавф-хатар билан тўқнаш келамиз. Лекин чумчуқдан қўрққан тариқ эколмайди. Спорт билан мунтазам шуғулланаман, қуролсиз ҳимоя усулларини бирмунча ўзлаштирганман. Ҳозирча панд еганим йўқ. Ҳаттоки, биласизми, жиноят-қидирув соҳасида ишлашга аёлларни кўпроқ жалб қилиш керак, деб ўйлайман. Бу — менинг шахсий фикрим, албатта. Нега деганда, жиноятчи қанчалик ёвуз бўлмасин, аёл-милиционер билан юзма-юз келса, довдираб қолади. Ахир унинг ҳам онаси, опасинглиси бор. Ана шу туйғу унинг тош юрагини оз бўлса-да эритиши мумкин.

Буни бир неча марта шахсий тажрибамда синаб кўрдим.

— Энди энг сўнгги анъанавий савол: келажакдаги орзуингиз нима?

— Ҳозир Тошкент ҳуқуқшунослик коллежида таҳсил оляпман. Уни тамомлаганимдан сўнг албатта ИИВ Академиясига ўқишга кираман. Мақсадим — шу.

**Мурод ТИЛЛАЕВ.**

**СУРАТДА: милиция кичик сержанти Мухфира Ғуломова иш устида.**

# ЕВРОПОЛ ИШ БОШЛАДИ

Ўтган ҳафтада Европа Иттифоқидаги 15 та давлат томонидан расмий ҳужжатларни имзолаш жараёни ниҳоясига етгач, Европа жиноят-қидирув полицияси — Европол тўғрисидаги конвенция кучга кирди. Европол штабхонаси Гаагада жойлашган. Янги ташкилот ўз фаолиятини бошлаши муносабати билан ташкил этилган тантанали маросим айнан шу ерда бўлиб ўтди.

INTERNET XABARI

Шуни айтиш лозимки, Европол 1994 йил Маастрихт шартномасига биноан дунёга келган Европа гиёҳвандликка қарши кураш бошқармаси баъзасида тузилди. Вақт ўтиши билан унинг фаолияти кенгайиб борди. Хусусан, гиёҳвандликдан ташқари автомобилларни ўғирлаш, радиоактив моддалар контрабандаси, маблағни ўзлаштириш ва яширин чегарадан ўтиш жиноятларини фош этиш билан шуғулланди. Европолнинг олдига қўйилган вазифалар кўлами эса янада кенг: халқаро уюшган жиноятчиликнинг барча кўринишлари, шунингдек, халқаро терроризмга қарши кураш олиб боришдир.

Европол штати бўйича бу ерда 155 ходим фаолият кўрсатади. Унинг ихтиёрида миллий банклар орқали тўпланган, Европада фаолият кўрсатаётган жиноятчилар ва жиноий тўдалар тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган компьютер банки мавжуд. Ҳозирда компьютер тизими янада шакллантирилмоқда ва 2001 йилда тўлиқ ишга туширилади.

Европа жиноят-қидирув полициясини Европол координатори бошқармоқда. У германиялик Юрген Сторбекдир. Гаагадаги тантанали маросимда сўзга чиққан координатор уюшган жиноятчиликка қарши самарали курашиш учун барча имкониятлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

# «01» ХАБАРЛАРИ

● Гулистон шаҳар Баҳор давлат хўжалигидаги Тошкент кўчаси 61-уйда яшовчи М. Ниёзалиевнинг хонадонида электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлган. Ёнғинда уйнинг шифти, том қисми ва рўзғор буюмлари ёниб, хонадон эгасига 200.000 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

● Паркент тумани Бойқозон ширкатлар уюшмаси ҳудудида жойлашган «Дилшод» хусусий деҳқон-фермер хўжалиги молхонасида пайвандлаш ишлари бажарилаётганида ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаганлиги оқибатида ёнғин чиққан ва натижада молхонанинг томи буткул ёниб, 14 бош қорамолнинг нобуд бўлишига олиб келган.

● Навбаҳор тумани «Истиқлол» жамоа хўжалигида яшовчи Ш. Саксонова тандирга ўт ёқаётганида эҳтиётсизлиги натижасида олов унинг кўйлагига ўтиб кетган. Натижада Саксонова жароҳат олиб касалхонага ётқизилган.

● Гулистон тумани Жўрабоев кўчасида яшовчи С. Кузнецова ўзбошимчалик билан газ плитасига шлангга билан газ ўтказган. Натижада ёнғин чиқиб, уйининг томи ва уй жиҳозлари ёниб кетган ҳамда 50.000 сўмдан ортиқ моддий зарар етказган.

● Избоскан тумани «Урганч» жамоа хўжалиги Мирза Олимов кўчаси 52-уйда истиқомат қилувчи У. Раҳмонов сигарет чека туриб канистрдан идишга бензин ёқилғисини қуяётганида бензин парлари чақнаб кетган. Натижада Раҳмонов қўли ва юзи алангадан куйиб, касалхонага ётқизилган.

● Тошлоқ тумани Б. Шерматов номли жамоа хўжалиги Арабмозор қишлоғида яшовчи М. Турғунова газ духовкаси мурватини очиб қўйиб, гугуртни кечиктириб ёққанлиги натижасида газ алангаланган. Уй бекасининг ўзи, газ плитаси яқинида бўлган келини Қ. Турғунова, набираси Б. Турғунова турли даражада жароҳат олиб, касалхонага ётқизилган.

● Ёш болаларнинг назоратсиз қолиб олов билан ўйнаши Хонқа тумани, А. Навоий жамоа хўжалигида яшовчи Ю. Шарипов молхонасида ёнғин содир бўлишига ва дағал хашак ғарамининг ёниб кетишига олиб келган.

**Р. АСЛОНОВ,**
**ички хизмат лейтенанти.**

*Шаҳзода*

# РАШК ДЕГАНИ БИР БАЛОДИР

## ёки милиционернинг рафиқаси бўлиш осонми?

...Прокуратурага фуқаро Саломат Исаева (исм, фамилиялар ўзгартирилган) ариза билан мурожаат қилди. Аризада «Шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бошқармасида бошлиқ ўринбосари бўлиб ишловчи собиқ турмуш ўртоғим Икромжон Қосимов билан 1980 йилда турмуш қурганмиз, тўрт нафар фарзандимиз бор. Эримнинг 1996 йилдан бошлаб ахлоқи ўзгара бошлади. Уйга доимо кеч, маст ҳолда келади. Характери қўпол ва дағаллаша бошлади. Вилоятдаги икки тумандан иккита ер участкаси олиб, данғиллама уй-жойлар қуряпти. 1997 йилда уйдан чиқиб кетаётганда 10 минг АҚШ долларини олиб чиқиб кетди. Байрамга бироз харажат қилиб беринг деб ишхонасига борсам, мени уриб, ҳайдади. Бирга яшаганимизда бир неча марта аборт қилдиришга мажбурлаган, уйда қонунга хилоф равишда ўқотар қуроли ва жанговар патронлар сақлаяпти» деб ёзилганди.

Кўрсатилган фактлар бўйича прокуратура жиноят иш қўзғади. Кўп сонли ва ойлаб ўтказилган терговлар, юзлаштириш, гувоҳларнинг кўрсатмалари натижасида хотиннинг эрига нисбатан қўйган айблари совун пуффагидек ёрилаверди. Чунончи: И. Қосимовнинг ишхонаси, маҳалла-кўй, ҳамкасблари ва бошқалар билан ўтказилган суҳбатда унинг умуман спиртли ичимлик ичмаслиги маълум бўлди. Спиртли ичимлик соғлигига салбий таъсир қилиши ҳақида шифокорлар ҳам маълумотнома ёзиб бердилар. Криминалистларнинг баллистик экспертиза аризаси бўйича олинган овчилик учун мўлжалланган иккита милтиқ ва 4 дона жанговар қуроллар ҳисобланиши, лекин И. Қосимов ов қилиш учун мўлжалланган қуролларни тегишли қонуний рухсатнома билан сақлаганлиги, 31 дона тўппонча ўқлари отишга яроқсиз ва И. Қосимовга тегишли эмаслигини аниқлади.

Хуллас, бир-бирини севиб, аҳду-паймонлар билан турмуш қурган, бири-биридан ширин тўрт фарзанднинг онаси томонидан умр йўлдоши устидан берилган шикоят аризадаги ваҳимали фактлар тасдиқланмади. Терговчи И. Қосимовнинг ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмагани учун қўзғатилган жиноий ишни ёпди...

Ўз хотини томонидан қораланган эрни оқлаш учун давлатнинг қанча маблағи, одамларнинг қанча вақти, асаби, соғлиги соврилди... Аризачи эса ҳақиқатан ҳам 31 дона тўппонча ўқлари эриники эмаслиги, уни ҳовли супураётиб топиб олгани, аламидан шу ўқларни ҳам уники деб қўшиб ёзиб юборганини, фарзандлари келажагини ўйлаб, эрига нисбатан қўзғатилган жиноий ишни тўхтатишни сўради.

Хўш, охири оиланинг барбод бўлишигача борган фожианинг боши нимада?

Инсон туйғулари орасида оғуси энг заҳарли илоннинг заҳридан-да ўткир, кучи ҳар қандай бўронни тўфондан зўр бир туйғу борки, унинг отини РАШК деб атайдилар. Рашк илон бўлиб ғимирлай бошласа, унча-мунча эркак-аёлнинг кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб қолади. У туфайли ширин ошингиз оғуга, тотув турмушингиз дўзахга айланади. Рашкнинг салбий хислатларини санаб тугатиш маҳол...

Саломат эрини севарди. Унинг чақмоқдек кийиниб юриши, маданиятли муомаласи, ширинсўзлиги... Шуларни ўйласа, болали бўлиб, уйда, «ўтириб» қолганидан «дод» деб юборай дерди. Эри ички ишлар идорасида ишлаб, туну кун иш билан банд бўлиши, бошқаларнинг эридек саккиз соат ишлаб, уйга қайтолмаслиги, унга алам қиларди. Бу аламлар бирор жиноят юз бериб, эри кечалари ҳам уйга келолмай қолганда, айниқса, рашк бўлиб, ич-этини ерди. У аввалига ўзини тутишга, шайтоннинг қутқусига учмасликка уринди. Лекин рашк уни йўлга солди: «Эринг кўзга яқин йигит. Сен ухламай, интизор бўлиб, тиқ этса кўчага қараб ўтирибсан. У эса худо билади, қаерда, ким билан маишат қилиб ётганикин. Кеча хотинларнинг «гапи»да бекорга аёллар шаъмали гаплар айтишмади...»

Саломат қандай қилиб ярим тунда эрининг ишхонасига келганини ўзи билмай қолди. Навбатчи «эрингиз тезкор гуруҳ билан жиноят содир бўлган жойга кетди» дегач, кўнгли таскин топиб уйга қайтди.

Лекин тез-тез эрининг уйга келмай қолиши ёки ярим кечаси ҳориб-толиб келиши кўнглидаги ғашликни яна кучайтирди, рашк бадтарроқ ғимирлайверди. Кечалари эрининг ишхонасига бориши, ўша ерда унинг қачон, қайси томондан, ким билан келишини пойлаши одат тусига кириб қолди. Эрининг ҳамкасблари ҳазил-ҳузил гаплар айтишса, у чиппа-чин ишонарди. У энди ҳориб-толиб келган эрини қаҳр-ғазаб билан кутиб олар, кийимларини ҳидлаб кўрар, бирор далил топиш илинжида уларни синчиклаб кўздан кечирарди.

Асалнинг ҳам ози ширин, деган гап тўғри экан. «Рашк» аталмиш эркакнинг ҳаддидан ошиши аста-секин эр-хотин орасига совуқчилик сола бошлади. Хотинининг ғиди-бидиларини шунчаки, рашкда деб писанд қилмаган, аксинча, унинг ёниб-куйиб тергашларидан «мени севганидан рашк қилади» деб ичидан хурсанд бўлиб юрган Икромжон вақт ўтган сайин майда гаплардан, тергашлардан безиллай бошлади. Айниқса, кеч кирди дегандан хотинининг ишхонаси атрофида айғоқчидек пусиб юриши, уни кўриб қолиб, ҳол сўраганларга «эрим ким билан-дир юради, ушлаб олсам...» каби обрўсини бир пул қилувчи гапларни гапириши унга қаттиқ ботадиган бўла бошлади. У ҳам одамларга ўхшаб вақтида ишга бориб, вақтида уйга қайтиб, бола-чақаси билан овқатланиб, маза қилиб дам олиб ётгиси, шанба-якшанба кунлари суюкли хотини, болаларини ёнига олиб, тўй-ҳашамга, меҳмондорчиликка боргиси келади. Лекин нима қилсин, касб тақозоси билан ҳамма вақт орзулаганини амалга оширолмайди. Ахир, хотинининг ўзи ҳам ҳуқуқшунос, шу даргоҳда бирга ишлаб, топишишган, иш шароитини озми-кўпми билади. Наҳотки, кўра-била туриб эрига жабр, туҳмат қилаётганини сезмаса? На яхши гапга, на таскин-тасаллига унайди. Аксинча, болаларнинг олдида ҳам «ўйнаш топиб олгансиз» деб бемалол туҳмат қилиб тураверади. Баъзан алламаҳалда келиб, ғиди-бидилардан қулоғи тинчиб, энди кўзи илинганда, ишхонадан навбатчи қўнғироқ қилиб, бирор ҳодиса юз берганини хабар қилади — нима қилсин, катта шаҳар, аҳоли кўп, шунга яраша ташвиши ҳам бор. Қўнғироқ бўлгандан хотинининг жазаваси тутади, телефонда ким, нима деяётганини эшитишга уринади. Бу қилиғидан безор бўлиб, уйга тугмачасини боссанг, қўнғироқ қилган одам билан гапингни эшиттириб турадиган телефон ўрнатди. Бир-икки гал сал қулоғи тинчигандай бўлди-ю... «ҳа, паролларинг бор-да, келишиб олгансизлар» дейишга ўтди. Ҳаммасидан ҳам кечаси уйга ташлаб ўтадиган ҳамкасбларини «ҳаммангни тилинг бир, ҳамманг бир бўлиб бузуқ аёллар билан маишат қилгани борасанлар» дегани чатоқ бўлди. Аввалига Саломатнинг шубҳалари нашъа қилиб, «э, келин, сиз буни маҳкам ушланг, харидори кўп. Биз ҳам сал аҳамият бермай қўйсак, дарров бирорта аёл илиб кетади, кейин қидириб юрамиз» дея Саломатни гиж-гижлаб, гўё оловга мой сепишарди. Кейин-кейин Саломат ҳазил-кинояларни чин деб қабул қилаётганини, беғараз ҳазиллари ўртоқларининг бошига бало бўлаётганини тушуниб қолишди. Чунки Саломат уларнинг ёнига келиб «сенлар эримнинг ўйнаши кимлигини биласанлар, айтмасанг, у қиламан — бу қиламан» деб тўс-тўполон кўтара бошлади. Ана шунда улар бу аёлга рашки тўғонини бузган сувдек ҳўлу-қуруқни баробар ямлаб кетаётганидан, туппа-тузук, ҳар ишда ўрнак эрининг обрўсини бир пул қилаётганини, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ишини яхши била туриб, бундай гаплар қилиши ноўринлигини тушунтирмоқчи бўлишди. Лекин Саломатга гап уқтириб бўлмасди, рашк оғуси унинг борлиғини заҳарлаб бўлганди...

Рашкдан бошланган эркаликлар кучая-кучая эр-хотин орасидаги меҳр отлиғ инжа туйғуни емиравердi. Ва, охири, эрнинг юраги бардош беролмади — инфаркт бўлиб, касалхонага тушди. Афсуски, эрнинг бир ўлимдан қолгани ҳам хотинни инсофга келтира олмади. Чунки у ақл, мулоҳазани рашк қўлига тутқазиб қўйганди. Охир-оқибат эр уйдан чиқиб кетди. Фарзандлар унга эргашдилар. Ноилож қолган эр бир дўстининг уйидан қўним топди. Хотин унинг ортидан қидириб бориб... кечирим сўрамади, тўс-тўполон кўтарди, куракда турмайдиган гаплар билан ҳақорат қилди. Бу ҳол бир неча марта такрорлангач, тинчи бузилган қўшнилар тўпланишиб, аёл устидан керакли жойга шикоят қилдилар.

Оила бузилди. Ўртада фарзандлар сарсон. Эркак ва аёлнинг соғлиғи адойи тамом бўлган. Аёлнинг ишхонага келиб қилган жанжалларидан безор бўлган раҳбарлар эрни ишдан бўшатишган...

Буларнинг ҳаммасига нима сабаб? «Ноўрин рашк» деб жавоб беради ҳамма бир овоздан.

Милиционернинг рафиқаси бўлиш осонмас. Ўз ҳузур-ҳаловатидан, орому роҳатларидан кечиб, фақат халқ осойишталиги, тинчлиги йўлида ўзини фидо қилишни талаб қилувчи касб — милиционерликдир. Айни катта байрамларда у уйда, оиласи даврасида бўлолмайди, сабаби, байрамнинг осойишта, тинч ўтиши ҳуқуқ-тартибот ходимларига боғлиқ. У уйга хоҳлаган пайтида келиб дам ололмайди, оиласи, фарзандлари даврасида ўзи хоҳлаганча ўтиролмайди — вақти тиғиз. Чунки унинг бошида фақат ўз оиласининг эмас бутун эл-юртнинг ташвиши туради. Ўз оиласи қобиғига ўралиб қолган одамдан фидойи милиционер чиқмайди.

Шундай оилалар, аёллар борки, турмуш ўртоғининг касби, хизматини дил-дилидан англаб, унга доимо меҳрибон рафиқа, кўмакчи бўлишга уринади. Унинг эрта кетиб, кеч келганини тергаш эмас, Аллоҳдан қаерда бўлса ҳам соғ-саломат асрашини, оиласи бағрига эсон-омон қайтиши, оиласига, болаларига бош бўлишини тилайди. Бундай оқила аёлларни санаб, саноғига етиш қийин.

Яна шундайлар ҳам борки...

...Хотин эрнинг устидан арз қилиб, бошлиқ ҳузурига келди. Унинг гапи бўйича, эри оиласини ўз ҳолига ташлаб қўйган, ўн-ўн беш кунлаб хизмат сафарида юради, бола-чақаси билан бафуржа гаплашиб ўтирмайди ва ҳоказолар.

Бошлиқ ўша ходимини чақирди. Эндигина тугаган йиғилишда худди шу ходимнинг ишда йўл қўйган камчилиги ҳақида гап бўлганди.

— Мана эрингиз, — мурожаат қилди бошлиқ аёлга. — Марҳамат, уни ўзингиз билан олиб кетишингиз мумкин. Сиз, — у ходимга қаради, — бугундан бошлаб вазифангиздан озодсиз. Ўзингизга бошқа иш топинг.

— Ҳай, нима деяпсиз? Нега эримни ишдан бўшатаркансиз? Олти болани ким боқади? Ҳали бирортасини уйлаб-жойламаган бўлсак? Мен ишламасам, отасини ишдан бўшатсангиз, оилани ким таъминлайди?»

Худди шунга ўхшаб, эрининг ишга эрта кетиб, кеч келишидан, ёмон аёлларга илакишиб қолгани учун оиласига бепарволигидан таҳририятга шикоят қилиб, эрига қаттиқ жазо берилишини, лекин ишдан бўшатмасликни илтимос қилувчи аёллар ҳам учрайди. Уларнинг наздида эр иш вақти тугагач, уйга қайтмадими, демак у кимлар билан-дир маишат қилиб юрибди...

— Йўқ, сингилжон, — дегим келади уларга, — Сизнинг турмуш ўртоғингиз ҳам бошқалардек, вақтида ишдан қайтиб, сизга ширин таомлар пиширтириб, болаларини эркалаб, телевизор кўриб ўтиргиси келади. Лекин унинг беором хизмати туфайли сиз ва бизнинг, болаларимизнинг уйқумиз тинч, кунларимиз осойишта. Сиз турмушга чиқаётганингизда ҳуқуқ-тартибот ходимининг хизмати ўта оғирлиги, ўзига хослиги ҳақида эшитгансиз. Йиллар ўтиб, эрингизнинг лавозими, унвони ошгани сайин хизмат масъулияти ҳам ортиб боради. Сиз эрингизга ишонинг, уни бекорчи ҳою-ҳавасларга вақти йўқ. Уйга келганда очиқ чеҳра билан ҳорманг дадаси, деб кутиб олиб, қўлига сув қуйиб, сочиқ берсангиз, бир коса иссиқ овқату, бир чойнак чойни беминнат тутсангиз — хизматдан ҳориб-толиб келган эрингизга сиздан, оиласидан бошқа бировнинг кераги бўлмайди...

Саломатнинг қилган ғавғоларидан безор бўлган Икромжон никоҳларини бекор қилиш учун судга мурожаат қилди. Лекин икки гал ҳам Саломат «ажрайдиган эрим йўқ», деб туриб олди. Унинг кўнглида эрига ёмонлик қилиш, ундан ажралиш нияти йўқ эди. Афсус, қутурган рашк илони ўз ишини қилган, севиб қурилган оилани вайрон қилиб бўлганди...

## ҚИДИРИЛМОҚДА

Андижон вилояти, Андижон шаҳар ИИБ томонидан 1964 йилда туғилган, Андижон шаҳар, Мевазор кўчаси, 1-уйда яшовчи **Илҳомжон Раҳимов** қидирилмоқда. У 1998 йил 3 октябрь куни соат тахминан 14.30 ларда уйидан холаси Ўлмасхон Хўжамбердиевага тегишли «ТИКО» русумли, давлат белгиси 17 С 54-08 бўлган, қизил рангли автомашинани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун бошқариб кетиб, қайтиб келмаган.



**Белгилари:** бўйи 160-165 см, ўрта семизликда, қорачадан келган, сочи қора, ўнг томонга тараб юради, қошлари қалин, бир-бирига туташган, оғзининг тепа олди қисмида сариқ металлдан тўртта тиши бор.

**Кийимлари:** энгида кўк йўли бор кўйлак, қора шим, оёғида қора туфли бўлган.

**Илҳомжон Раҳимовни кўрган-билганлар «02» ёки Андижон шаҳар ИИБга 24-36-01, 24-47-20 телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.**

* * *

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани ИИБ томонидан бедарак йўқолган, 1924 йилда туғилган, нафақадор, С. Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 13-уй, 155-хонадонда яшаган **Нишон Турғунов** қидирилмоқда. У 1998 йил 18 июль куни соат 18.00 ларда уйидан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.



**Белгилари:** бўйи 150-165 см, юзи думалоқ, сочи оқарган, пешонасидаги сочлар тўкилган, мўйлови қора, қоши тўғри, бурни тўғри, лаби қалин, кўзлари қора, қулоқлари катта.

**Кийимлари:** бошида дўппи, кўк кўйлак, қора шим, оёғида калиш бўлган.

* * *

Шунингдек, бедарак йўқолган 1959 йилда туғилган, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси 2-А уй, 6-хонадонда яшаган **Умарали Нодирович Нурматов** қидирилмоқда. 1998 йил 24 май куни Собир Раҳимов кўчасида жойлашган Оталар чойхонасида бўлаётган тўйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



**Белгилари:** бўйи 170 см, ўртачадан келган, юзи чўзинчоқ, сочи калта, қора, қошлари тўғри, кўзлари ўртача катталикда қора, бурни тўғри, лаблари ўртача катталикда, даҳани тўғри, қулоқлари ўртача катталикда.

**Кийимлари:** эгнида қора камзул, тўқ ҳаворанг шим, оқ кўйлак, оқ труси, оёғида қора пайпоқ ва қора туфли бўлган.

**Юқорида исм-шарифлари зикр этилган фуқароларни кўрган-билганлар «02» телефони ёки Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани ИИБга 46-09-90, 46-66-57, 48-40-59, 48-40-69 телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.**

# Мухтор Насруллаевич СУЛТОНОВ



Бешафқат ўлим истеъфодаги милиция генерал майори Мухтор Насруллаевич Султоновни орамиздан олиб кетди

М. Султонов 1926 йил 15 май куни Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятида туғилган. Ички ишлар идораларидаги хизматни 1944 йил Андижон вилоятида тезкор вакил ёрдамчиси вазифасидан бошлади. 1945-1946 йиллар Тошкент милиция мактабини аъло баҳолар билан тугатгач, яна Андижон вилоятига қайтиб хизматни давом эттирди.

Мухтор Насруллаевич 1949 йилдан 1951 йилгача Андижон вилояти Ойим тумани милиция бўлинмасида бошлиқ бўлиб ишлади. 1951-1954 йиллар Тошкент шаҳар 16-милиция бўлинмаси бошлиғи, 1954-1956 йиллар Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасида бўлим бошлиғининг ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди. Бу давр ичида ўзига бириктирилган ҳудудда жиноят содир этиш ҳолларининг бир мунча камайганлиги, ташкилотчилиги ва раҳбарлик хусусиятини намоён этганлиги билан раҳбарият диққат-эътиборини тортди.

1956 йилдан 1967 йилгача М. Султонов Андижон вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, 1967 йилдан Андижон вилояти ИИБ бошлиғи лавозимида хизмат қилди.

Ички ишлар идораларидаги самарали ва бенуқсон хизмати инобатга олиниб, 1979 йилда Мухтор Насруллаевич Султонов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари этиб тайинланади. Шу йили унга милиция генерал-майори унвони берилади.

1979-1985 йиллар мобайнида республикамизда жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, фуқаролар ва давлатимиз моддий бойликларини кўриқлаш каби долзарб муаммолар ўз ечимини топишида Мухтор Насруллаевичнинг хизмати беқиёсдир.

Қатор орден-медаллар соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, истеъфодаги милиция генерал-майори Мухтор Насруллаевич Султоновнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий қолади.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва ИИВ фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази.**

# Мунажжимлар башорат қилади

## 2 — 8 ноябрь

***ҚЎЙ (21 март — 20 апрель)***

Ушбу ҳафтанинг бошида бироз ишингиз юришмайди. Пайшанба-жума кунлари барча ўйлаган нарсаларингизни амалга оширишингиз мумкин. Шанба кунги ишбилармонлик музокаралари муваффақиятли якунланади. Якшанба куни уй юмушлари билан машғул бўлинг.

***СИГИР (21 апрель — 21 май)***

Ҳафта ажойиб учрашув билан бошланади. Энг омадли кун сешанбадир. Пайшанба куни саломатлигингизнинг ёмонлашуви бироз ташвишга солади. Якшанба куни ижодий муваффақиятга эришасиз.

***ЭГИЗАКЛАР (22 май — 21 июнь)***

Душанба куни таваккал иш тутмасликни маслаҳат берамиз. Ҳамёнингизга чоршанба куни пул тушади. Жума — кутилмаган янгиликлардан воқиф бўладиган кундир. Мазкур ҳафтанинг сўнгги кунлари кўнгилли ҳордиқ чиқаришингиз руҳингизни тетиклаштириб, кайфиятингизни кўтариб юборади.

***ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь — 23 июль)***

Сешанба куни телефон орқали муҳим масала юзасидан сўзлашувингиз сизни тижоратга янада фаол киришишга ундайди. Жума куни ажойиб инсон билан танишасиз. Ижодий ишларингиз шанба куни ниҳоясига етади.

***АРСЛОН (24 июль — 23 август)***

Ушбу даврнинг бошида кайфиятингизнинг ёмонлашуви иш қобилиятингизга ўз таъсирини кўрсатади. Сешанба ва пайшанба — омадли кунлардир. Жума куни яқин кишиларингиз билан жанжаллашиб қоласиз. Ўзингизни қўлга олинг.

***БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь)***

Сешанба куни ҳар қандай мураккаб ишга ҳеч иккиланмай киришаверинг, бемалол уддалайсиз. Жума куни қўшимча даромад ишлаб олиш имконияти бор. Жума куни севган кишингиз билан кутилаётган висол онлари узоқ вақт ёдингизда қолади.

***ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь)***

Сешанба куни жароҳат олишингиз мумкин, эҳтиёт бўлинг. Пайшанба куни молиявий ютуққа эришасиз. Жума — хушхабарлар кунидир. Севимли кишингиз билан кутилаётган учрашувдан қалбингиз қувончга тўлади.

***ЧАЁН (24 октябрь — 22 ноябрь)***

Ишбилармонлик учрашуви учун сешанба ва чоршанба қулай кунлардир. Жума куни шахсий муаммоларингизни ҳал этиш имконияти бор. Шанба куни яхши ҳордиқ чиқарасиз. Якшанба куни мириқиб ухлаб олинг.

***ЁЙ (23 ноябрь — 21 декабрь)***

Душанба куни баракали меҳнат қиласиз. Сешанба куни бошлиқлар эътиборига тушишингиз, бу эса лавозимингизнинг ошишига олиб келиши мумкин. Пайшанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Шанба куни келишмовчилик келиб чиқиш эҳтимоли бор.

***ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь — 20 январь)***

Сешанба куни муҳим маълумотни қўлга киритасиз. Чоршанба куни ҳамёнингизга пул тушади. Яқин кишиларингиз сизни кутилмаган янгиликлар билан жума куни мамнун этиши кутилмоқда. Якшанба куни ижодий баркамолликка эришасиз.

***ҚОВҒА (21 январь — 19 февраль)***

Агар ҳаётингизда бирор ўзгаришга эришмоқчи бўлсангиз бунга ҳафтанинг биринчи ярми, аниқроғи сешанба ва чоршанба кунлари киришинг. Бу сизнинг оилавий аҳволингизга тааллуқли эмас. Ушбу вазифаларни кейинги ҳафтага қолдирганингиз маъқул.

***БАЛИҚ (20 февраль — 20 март)***

Мазкур ҳафтанинг бошида саломатлигингиз ёмонлашиши мумкин. Пайшанба куни янги таниш орттирасиз. Жума кунги ишбилармонлик учрашуви муваффақиятли якунланади. Дам олиш кунларини хонадонингизда ўтказишни маслаҳат берамиз.

# КРОССВОРД

**Энига:** 1. Жанубий Осиёдаги давлат. 4. Спорт ўйини. 9. Тилшунослик фани бўлими. 12. Кимёвий модда. 13. Африкадаги мамлакат. 14. Оғир саноат соҳаси. 18. Ҳўл мева. 19. Тошкент вилоятидаги дарё. 20. Ошкўк экин. 21. Мамлакатимиздаги тоғ. 24. Ўткир ялпиз ҳидли модда. 27. Жазоирнинг шимолидаги шаҳар. 29. Автомобил қисми. 34. Иссиқлик энергияси олиш ашёси. 35. Кучли киши. 36. Африка шимолидаги давлат. 39. Бобур сиймосини гавдалантирган таниқли санъаткор. 40. Автомобилимиз русуми. 42. Аҳолидан қарз олиш мақсадида давлат бюджетига маблағ тўплаш усули. 43. Байроқ кўтариб борувчи киши. 44. Телевизор қисми. 45. Спорт тури.

**Бўйига:** 2. Ўрта денгиздаги орол. 3. Ўтин тури. 5. Чизмачилик асбоби. 6. Шеърий тўплам нашри. 7. Шарқ назмига хос шеър. 8. Марказий Осиёдаги текислик, биёбон. 10. Ижтимоий фан. 11. Ер курраси экватори томонлари ҳудуди. 14. Мусиқий овоз тури. 15. Импульс равишда отилиб чиқиб турадиган энергиянинг энг кичик миқдори. 16. Коинот жисмларини ўрганиш маскани. 17. Модда таркибини ўрганиш асбоблари мажмуи. 22. Ҳўл мева. 23. Дарахт. 24. Ихтиёрдаги бойлик. 25. Белгиланган тартибда бирор жамоа томонидан давлат идорасига сайланган киши. 26. Давлат ҳокимиятининг мамлакатни бошқарув, Халқаро муносабатлардаги масалаларини ўрганувчи мутахассис. 28 Мусиқа асбоби. 30. Иккинчи жаҳон урушида фаолият кўрсатган разведкачи. 31. Андижон вилоятидаги шаҳар. 32. Устоз ўзбек ҳофизи. 33. Қадимда бош қўмондон лавозими. 37. Юза текислигини аниқлаш асбоби. 38. Фаришталардан бири. 41. Достон айтувчи ижодкор. 42. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» асари қаҳрамони.

**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.**



**Газетамизнинг аввалги сонида ёритилган КРИПТОГРАММАНИНГ ЖАВОБИ**

Очқич: 1. Самарқанд. 2. Куфа. 3. Эҳсон. 4. Шом. 5. Гувоҳлик. 6. Найсабур. 7. Бағдод. 8. Закот. 9. Мўмин. 10. Хартанг.

**«Ал-Бухорий нафси азиз, тўғрилик ва ҳалоллик билан зийнатланган эдилар. Ҳалоллик йўлидаги ҳар қандай машаққатни зиммаларига олардилар».**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Гавҳар Холиқовага волидаи муҳтарамаси **ТАМАРА опанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Р. Саркисянга отаси **Александр Данилович САРКИСЯНнинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.


***Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти***

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700029, Тошкент, Юнус Ражабий кўчаси,1

**Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.**

**Бош муҳаррир Зокир АТАЕВ.**

*Нашр учун масъул*
**Эркин САТТОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари в.б.)**

**Навбатчи:** С. ШАМСИДДИНОВ.
**Мусаҳҳиҳлар:** Н. Султонова, Г. Холиқова
**Саҳифаловчи** Г. Соболевская

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Бош муҳаррир –139-70-40, пейжер:(088) 25-25
Бош муҳаррир ўринбосари – 139-77-23, пейжер: (088) 24-16
мухбирлар бўлими 139-75-69.
Факс: 54-37-91.

Газета тарқатиш масалалари бўйича мурожаат учун: тел.: 139-70-40, факс: 54-37-91, пейжер: (088) 36-97.

**Бизнинг ҳисоб рақамимиз:** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб – касса марказида: 21506000200447980001, МФО 00014.



• Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.

• Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

• Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.

• Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.



**Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00007.
Буюртма Г — 0419.
Ҳажми — 4 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.

**Босишга топшириш вақти — 19.00.**
**Босишга топширилди — 18.00.**

Обуна рақами —180.

**98558** нусхада чоп этилди

***«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.***

***1,2,3,4,5,6.***